

МАНБАЛАРДА ЮСУФ ХАМАДОНИЙ ҲАЁТИ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

*Барноев Санжар Курбонович, ИИВ Бухоро академик лицейи
директори ўринбосари, Бухоро давлат университети
мустақил тадқиқотчиси*

THE LIFE AND SPIRITUAL HERITAGE OF YUSUF HAMADONI IN THE SOURCES

*Barnoev Sanjar Kurbanovich, Deputy director of the academic
lyceum of Bukhara, independent researcher of Bukhara State
University*

ЖИЗНЬ И ДУХОВНОЕ НАСЛЕДИЕ ЮСУФ ХАМАДОНИ В ИСТОЧНИКАХ

*Барноев Санжар Курбонович, заместитель директора
Бухарского академического лицея МВД, независимый
исследователь Бухарского государственного университета*



<https://orcid.org/0009-0003-8318-1766>

e-mail: sbarnoev@mail.ru

Аннотация: Мазкур мақолада Хожгагон ва Яссавия тариқатлари назарий асосчиси Хожя Юсуф Ҳамадоний ҳақида замондошлари, шогирдлари ва издошлари томонидан ёзиб қолдирилган маълумотлар манбалар асосида таҳлил этилган.

Калим сўзлар: тазкира, мақомот, манокӣб, антология, муришд, ориф, сулук, халифа, тариқат, шофеия, ханбалия, ханафия, олтин силсила.

Abstract: This article analyzes information about Khoja Yusuf Hamadani, the theoretical founder of the Khojagon and Yassaviya orders, written by his contemporaries, disciples, and followers, based on sources.

Keywords: tazkira, maqam, manaqib, anthology, murshid, arif, suluk, khalifa, tariqat, shafi'iyya, hanbaliyya, hanafiyya, golden chain.

Аннотация: В данной статье на основе источников анализируются сведения, оставленные современниками, учениками и последователями о Ходже Юсуфе Хамадани, теоретическом основателе тариқатов Ходжагон и Яссавия.

Ключевые слова: тазкира, макамат, манокӣб, антология, муришд, ориф, сулук, халиф, тариқат, шафиият, ханбалия, ханафия, золотая цепь.

КИРИШ. Юсуф Ҳамадоний ўз замонасида шайхуш шуюх – шайхларнинг шайхи, олими раббоний – илохий илмлар олими, қутби аср – ўз асрининг ҳимоячиси, соҳибкаромат авлиё – кароматлари билан машҳур бўлган валий, юксак мақомат соҳиби – руҳий камолотга етган ориф, пири муришд – иршод, яъни бошқаларга илм бериш ҳуқуқи даражасига юксала оладиган шахсни тарбияловчи пир, алломаи замон – ўз замонининг олими номларига сазовор

бўлган[7:12]. Кўплаб тазкира, мақомот, манокӣбларда Юсуф Ҳамадоний ҳақида маълумотларни учратамиз. Мазкур маълумотларни тўплаш ва тизимлаштириш унинг маънавий меросини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ. Юсуф Ҳамадоний ҳақида унинг замондошлари ва издошлари томонидан ёзиб қолдирилган манбалар ичида Фаридуддин

Аттор, Абдухолик Гиждувоний, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Фахруддин Али Сафий, Давлатшоҳ Самарқандий каби мутасаввуф ва мутафаккирларнинг асарлари алоҳида аҳамиятга эга. Шунингдек, М.Риёхий, Н.Наврӯзова, Н.Ҳасан, С.Сайфуллоҳ, И.Эргашев, М.Ҳасаний каби тасаввуфшунос олимларнинг тадқиқотларида ҳам Юсуф Ҳамадоний ҳақида маълумот берувчи манбаларга алоҳида эътибор қаратилган. Тадқиқот ишини тайёрлашда қиёсий таҳлил, тарихийлик ва ворисийлик усулларидадан фойдаланилди.

МУҲОКАМА. Манбаларда келтирилган маълумотларда Юсуф Ҳамадонийнинг тўлиқ номи қуйидагича келтирилади: Имом Абу Яқуб Юсуф ибн Айюб ибн Юсуф Ибн Ҳусайн ибн Вахро Бузанжирдий Ҳамадоний.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг (1435-1495) “Тазкират уш-шуаро” антологиясидаги Санъоний биографияси берилган жойда Ҳамадонийнинг номи Абу Юсуф деб, янглиш келтирилади. Бу хатолик кейинги антологияларда ҳам такрорланиб, баъзи тадқиқотчилар ишига ҳам кўчади.

Юсуф Ҳамадоний ҳақидаги энг дастлабки ва ишончли маълумотлар Абдулкарим ас-Самъонийнинг (1113-1167) “Китоб ул-ансоб” асарида ўз ифодасини топган [5]. Самъоний буюк шайх билан унинг марвдаги хонақосида шахсан учрашиб узун суҳбатлар қуради ва ҳатто унинг сўзларидан йигирмадан ортиқ ҳадисларни ёзиб олади. Фахруддин ибн Асокир (1105-1176) ҳам хижрий 531 (мил. 1136) йилда Марвда Ҳамадоний суҳбатидан баҳраманд бўлганини ёзади.

Фаридуддин Аттор (1145-1230) “Тазкират ул-авлиё”да Юсуф Ҳамадонийни икки маротаба тилга олади. Биринчи марта – “... Юсуф Ҳамадонийдан сўрадилар: - Кунлар ўтиши билан бу тоифанинг (аҳли илм.С.Б.) сўзлари тупроқ остига қиради, унда биз нима қиламиз?

Имом деди: - ҳар кунда саккиз варақ бу тоифанинг сўзларидан ўқишни вазифа қилиш керак. Ғафлат аҳлига айн фарз шу!”[1:19].

Иккинчи марта эса, Мансур Ҳаллож ҳақида сўз юритаётиб, “Лекин Абдуллоҳ Ҳафиф, шайх

Шиблий, Абулқосим, Жунайд Бағдодий, шайх Абу Саид, Абулхайр, Абу Али Формадий, шайх Юсуф Ҳамадонийлар унинг ишига қойил эдилар ва уни қабул қилар эдилар”, деб ёзади[1:27].

“Илоҳийнома”да эса, Аттор Ҳамадонийни Юсуф ва Зулайҳо муҳаббати асрори ҳақида сўз айтган донишманд сифатида гавадалантиради:

Ҳамадоний Юсуф, шамъи дилафрӯз,

Ҳикоят айлабон, андоқ демиш сўз [3:166].

Бу ерда Фаридуддин Аттор “Ҳамадоний” сўзини ҳамма нарсадан воқиф, ҳар сирдан огоҳ, деган маънода ишлатади. Фаридуддин Аттор “Мантиқ ут-тайр”да Ҳамадонийни “Тарикат рўзгорининг имоми, жон асрорининг соҳиби, яхшилик, эзгулик бунёдкори”, “Тарикат йўлидаги чашма, йўлчиларнинг кўрар кўзи эди. Пок сийна, дили бу дунё (хавфу хатарларидан) огоҳ эди”[2:186], деб таърифлайди. Буюк мутафаккир Фаридуддин Атторнинг маънавий дунёсининг бойишида Шайх Юсуф Ҳамадонийнинг муносиб ўрни бор экан. Шунинг учун у “Мантиқ ут-тайр” ва “Илоҳийнома” асарларида Юсуф Ҳамадоний ўғитларига алоҳида ўрин ажратган.

НАТИЖАЛАР. Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Фаридуддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё”сида ўша даврда яшаб ўтган буюк сўфийлар орасида имом Муҳаммад Ғаззолий (ваф.505х.й./1112й.), Аҳмад Ғаззолий (ваф.520х.й./1126й.), Айн ал-Қузот (ваф.525х.й./1131й.), Аҳмад Жомий Жондапил (ваф.536х.й./1142й.) каби мутасаввуфларнинг номлари тилга олинмаган. Бу факт Аттор яшаган даврда Хожа Юсуф шахсининг улуғворлиги ва унинг юксак обрў-эътиборга сазовор бўлганидан гувоҳлик беради.

“Нафоҳат ул унс”да Абдурахмон Жомий (1414-1492) “Куныси Абу Яъқубдур. Олим, ориф, соҳиби аҳвол, улуғ атолар, каромат ва мақомотлар соҳиби эдилар. Ёшлигида Бағдодга бориб, Шайх Абу Исоқ Шерозий мажлисларида ҳозир бўлдилар. Ишлари тараккий топди. Фикҳ ҳамда бошқа илмлар бўйича, хусусан, илми назар бўйича тенгдошларидан илгарилаб кетди. Шайх Абу Исоқ унинг ёшлигига қарамай, бошқа шогирдларига нисбатан хурмат кўрсатарди.

Бағдод, Исфаҳон ва Самарқандда кўплаб олимлардан ҳадис илмини ўргандилар”, деб ёзади[4:383-384].

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний «Мақомоти Юсуф Ҳамадоний» асарида устози Юсуф Ҳамадоний таваллуди ҳақида қуйидаги маълумотларни келтиради: «504 йил Зулқайда ойининг йигирма саккизинчи куни сешанбада шайхимизнинг умридан бир минг тўққиз ой ва йигирма олти кун ўтган эди. Шайхимиз душанба куни – сафар ойининг иккинчи кунида таваллуд топганлар». 458 (1066) ёки 459 (1067) йилларда 18-19 ёшлардаги Хожа Юсуф таълим олиш мақсадида Бузанджирд қишлоғини тарк этиб, ўша даврда халифалик ва ислом маданияти маркази бўлган Бағдодга боради ва у ерда машҳур шофий илоҳиётчи, “Низомия” мадрасасининг мударриси ва раҳбари Абу Исҳоқ Шерозий (476/1084 йилда вафот этган) томонидан ташкил этилган илмий мажлисга бориб қўшилади, ундан фикр илмини ўрганиб, ҳадис, тафсир, назар илмларида барча тенгдошларидан ўзиб кетиб ўз даврининг пешқадам алломаси даражасига кўтарилади. Фахруддин Али Сафий (1463-1503) Ҳамадоний ҳаётининг бу қисмини шундай шарҳлайди: “Шайх Юсуф Ҳамадоний ўн саккиз ёшда эрдиларким, Бағдодга бордилар ва Абу Исҳоқ фақиҳдин илми фикр ўқудилар ва илми назарда даражаи камолга етишдилар”.

Бу ҳақда Алишер Навоий ўзининг «Насойим ул-муҳаббат» асарида шундай дейди: «Ибтидода Бағдодқа борди ва шайх Абу Исҳоқ Шерозий мажлисида мулозамат қилди ва иши юқори бўлди ва ўз акронига фикр илмида ва ўзга улумда, хусусан назар илмида фоик бўлди ва Шайх Абу Исҳоқ ани кичик ёшлиғ эканида кўп улугъ поялиғ асҳобиға тақдим қилур эрди ва кўп уламодин Бағдод ва Исфаҳон ва Самарқандда ҳадис истимоъ қилди»[6:298].

Муҳаммад Амин Риёҳий Ҳамадонийнинг мафкуравий мавқеи ҳақидаги масалага тўхталар экан, Хожа Муҳаммад Порсонинг (1348-1420) “Фасл ул-хитоб”идаги “У буюк имом Абу Ҳанифа таълимотини ёқлар эди”, деган гапига алоҳида урғу беради. Олим Хожа Муҳаммад Порсо томонидан бундай баёнотнинг

келтиришига сабаб Ҳамадонийнинг йирик шофий илоҳиётчи Абу Исҳоқ Шерозийнинг шогирди бўлгани ва у эроннинг шофий мазҳабидагилар истиқомат қиладиган ғарбий вилоятида дунёга келгани учун шофий мазҳабида бўлганлиги ҳақидаги ҳар қандай шубҳаларни бартараф этиш учун қилингандек гўё. Агар Муҳаммад Порсонинг таъкидларини тўғри деб ҳисобласак, унда Хожа Юсуф айнан мана шу сабаб билан яшаб турган жойини тарк этиб, асосан ҳанафий мазҳабидагилар истиқомат қиладиган Ҳирот ва Марвга кўчиб ўтган, деб тахмин қилиш мумкин.

ХУЛОСА. Юсуф Ҳамадоний ўзидан бой маънавий мерос қолдирган. Форс ва араб тилларида ижод қилиб, ўзидан кейин «Рутбат ул-ҳаёт», «Кашф», «Рисола фи аннал-кавна мусаххарун лил-инсон», «Рисола дар ахлоқ ва муножот» асарларини қолдиради. Жаъфар Холмўминов Хожа Муҳаммад Порсонинг “Фасл ул-хитоб” асарини яратишда мурожаат қилган бир қанча асарлар қаторида Ҳамадонийнинг “Қаламоти қудсия ва манозил ул-соликин” номли рисоласи ҳам борлиги ҳақида маълумотни келтиради. “Нафоҳат ул-унс”да Нажиб уд-дин Абу Саид Али ибн Бузғуш Шерозий (ваф.678х.й./1280х.) сўзларидан келтирилган яна бир ҳикояда ҳам Ҳамадонийнинг “Манозил ул-соирин ва Манозил ул-соликин” номли рисолаларига ишорани кўришимиз мумкин. Жумладан, Абул Аббос Муҳаммад Толиб ўзининг “Матлаб ул-толибин” (“Толибларнинг мақсади”), Носириддин Ҳанафий “Тухфат ут-зоирин” (“Зиёратчиларга туҳфа”), Муҳаммад Дорошукх “Сафинат ул-авлиё” (“Авлиёлар кемаси”), Мавлавий Ғулом Сарвар “Ҳазинат ул-асфиё” (“Мусаффо кишилар ҳазинаси”), Саййид Аҳмад Васлий Самарқандий “Назм ус-силсила”, Мажид уд-дин Бағдодий “Тазкират ул-барра”, Нажм Розий “Мирсад ул-ибод” асарларида Ҳамадоний ҳаёти ва фаолиятининг айрим жиҳатлари ёритилган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аттот. Фаридуддин. Тазкират ул-авлиё. Нашрга тайёрловчи А.Мадримов. Тошкент,

- Faktor-press. 2023. -Б.512.
2. Фаридуддин Аттор. Мантиқ ут-тайр. Насрий баён. Кириш сўзи ва форсчадан тарж. Н.Комилов, М.Маҳмудов. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. – Б.173.
 3. Аттор шайх Фаридуддин. Илоҳийнома. Форс тилидан Ж.Камол таржимаси. Тошкент, Мусиқа нашриёти. 2007. -Б.166.
 4. Жомий. Нафахот ул-унс мин ҳазарот ил-қудс. Нашрга тайёрловчи Обидий М. Техрон. 1375 ҳижрий-шамсий. -Б.383–384.
 5. Камалиддинов Ш. Китаб ал-ансаб. Абу Саъда Абд ал-Карима ибн Мухаммада ас-Самъани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. Ташкент, Издательство Фан АН РУз. 1993. -С. 210.
 6. Навоий Алишер. Тўла асарлар тўплами. Ўнинчи жилд. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт –матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2012 йил. -Б.298.
 7. Г.Наврўзова. Н.Нурматова. Юсуф Ҳамадоний – етти пирнинг табаррук устози. Монография. Тошкент, Машхур-пресс. 2016. -Б.12.

